

## Тошкент тиббиёт академияси талабаларининг 2018-2019 ўқув йили бахорги семестр натижалари таҳлили

ТТА ўқув ишлари бўйича проректори Ш.А.Боймурадов

Тошкент тиббиёт академияси 2018-2019 ўқув йили кузги семестри 2019 йил 4 февралдан, 2019 йил 30 июн оралиғида талабаларни ўзлаштириши, семестр якуни бўйича якуний назорат натижаларини ўз ичига олади. 1-2 курс талабалар билимини баҳолаш 5 баллик тизимда амалга оширилди, 3-6 курс талабалар билимини баҳолаш эса 100 баллик рейтинг тизимида амалга оширилди. Шунинг учун семестр давомида фанларни ўз вақтида ўзлаштирмаган талабаларга ҳаммаси бўлиб асосий имкониятдан ташқари 2 марта қайта топширишга рухсат берилди. Барча фанлар бўйича академик қарздорлиги йўқ талабалар тест синовлари натижаларига кўра баҳоланди. Семестр якуни бўйича 25 талаба академик қарздорлиги туфайли ўз курсида қайта ўқиши учун қолдирилди. Қуйида факультетлар кесимида талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичлари таҳлили келтирилган.

**Даволаш факультетида** жами талабалар сони 2230 нафар, шундан 659 нафари грант асосида, 1571 нафари тўлов-контракт асосида таълим олган.

1 курсда 483 нафар талаба тахсил олган, уларни ўзлаштириш кўрсаткичи **34,1 %** (2017-2018 ўқув йилида **48,1%**), сифат кўрсаткичи эса **10,3 %** (2017-2018 ўқув йилида **10,7%**) ни ташкил қилди. Биринчи топширишда якуний назоратга факультет бўйича 218 нафар талаба қўйилмаган бўлса, 96 нафар талаба якуний назоратни биринчи марта топширишдан қониқарсиз баҳо олган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, талабаларни ўзлаштириш бир оз тушган бўлса, сифат кўрсаткич орасида деярли фарқ йўқлиги кузатилмоқда, бунинг асосий сабабларидан бири қўшимча контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларни билимини пастлигидир.

2 курсда 470 нафар талаба тахсил олган, талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи **30,6%**, ўтган ўқув йилида ушбу кўрсаткич **63,2%** бўлган, сифат кўрсаткичи эса **3,2%** ни ташкил қилган бўлса, ўтган ўқув йилида эса **20,7%** ни ташкил қилган. Биринчи топширишда якуний назоратга 215 нафар талаба қўйилмаган, 92 нафар талаба якуний назоратни биринчи топширишда қониқарсиз баҳо олган.

1-курсда гистология, информатика, анатомия, химия фанларидан, 2-курсда биологик химия, патологик физиология, патологик анатомия, ички касалликлар пропедевтикаси фанларидан бир нечта қайта топширишлар ўтказилди ва уларни ўзлаштириш кўрсаткичи ўртача қониқарли эканлиги қайт этилди, яхши ва аъло баҳолар кузатилмади.

2018-2019 ўқув йили баҳорги семестрида даволаш факультети 1-курсида 314 нафар талаба, 2-курсида 307 нафар талаба семестр якунларига кўра академик қарздор бўлди. Бу талабаларга 30 июнга қадар бир неча марта қайта топширишга рухсат берилганидан сўнг 1 июль ҳолатига 200 дан ортиқ талаба академик қарздорликларини баратараф эта олмадилар натижада уларга сентябр давомида қарздорликни бартараф эташ учун имконият берилди.

Ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан ушбу ўқув йилида талабаларни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари кескин пасайганлиги кузатилди. Бунга асосий сабаблардан бири талабалар сонини кескин қупайганлиги, қўшимча қабул қилинган ва бошқа олий таълим муассасасидан ўтган талабаларни билимини пастлиги, талабаларда билим олиш мотивациясини пасайиб кетганлигидир.

3 курс жами 423 нафар талаба бор, талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичи **21,5%** (2017-2018 ўқув йилида **69,2%** бўлган) сифат кўрсаткичи эса **7,1** (2017-2018 ўқув йилида **20,1%**) ни ташкил қилди. Биринчи топширишда якуний назоратга 281 нафар талаба қўйилмаган, 41 нафар талаба якуний назоратни биринчи киришдан қониқарсиз баҳо олган. Ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан ушбу ўқув йилида талабаларни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари кескин пасайганлиги кузатилади. 3 курсда 10 нафар талаба ўз вақтида фанларни ўзлаштира олмаганлиги туфайли курсда қолдирилди. 3-курсда умумий академик қарздор талабалар сони 356 нафар, бу курсда клиник анатомия, фармакология, патологик анатомия, патологик физиология, ички касалликлар пропедевтикаси ва педиатрия фанларидан бир неча марта қайта топширишлар ўтказилганидан кейин кузга 100 дан ортиқ талаба академик қарздор бўлиб қолди.

Даволаш факультети бўйича жами 14 нафар талабалар, жумладан, 1 курсда 4 нафар, 2 курсда 7 нафар ва 3 курсда 2 нафар талабалар фанларни ўзлаштира олмаганликлари сабабли курсда қолдирилди.

4-курсда умумий академик қарздор талабалар сони 64 нафар, жумладан 83 нафар академик қарздор талабалар 2-марта қайта топширишда фанларни ўзлаштиради, 2 нафар талаба академик қарздор сифатида сентябр ойида қайта топширди.

5-курсда умумий академик қарздор талабалар сони 45 нафар, барча академик қарздор талабалар 2-марта қайта топширишда фанларни ўзлаштиради. 6-курсда умумий академик қарздор талабалар сони 86 нафар, барча академик қарздор талабалар 2-марта қайта топширишда фанларни ўзлаштиради.

4 ва 5 курсларда ҳам ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари ўтган ўқув йилига нисбатан пасайганини, 6 курсда эса ўзгаришсиз қолганлигини 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

Даволаш факультети талабаларининг курслар кесимидаги  
кўрсаткичлари  
(1-кириш натижалари бўйича)

1-жадвал

Курс	уқув йиллари	контингент	сесияга куйилмаганлар	ЯН сабабсиз келмаган	ЯН ижобий топширганлар	абсолют, аълло	%, аъло	абсолют, яхши	%, яхши	абсолют, коникарли	%, коникарли	абсолют, коникарсиз	%, коникарсиз	ўзлаштириш %	сифат кўрсаткичи
1 курс	2017-2018	401	116		193			43	10,7	150	37,4	92	22,9	48,1	10,7
	2018-2019	484	218	5	165			50	10,3	115	23,8	96	19,8	34,1*	10,3
2 курс	2017-2018	357	35	4	249			74	20,7	175	49,0	69	19,3	69,7	20,7
	2018-2019	470	215	19	144			15	3,2	129	27,4	92	19,6	30,6*	3,2*
3 курс	2017-2018	272	46	1	172			86	31,62	86	31,62	53	19,5	63,2	31,6
	2018-2019	413	324	9	48			14	3,4	34	8,2	32	7,7	11,6*	3,4*
4 курс	2017-2018	265	22	4	200	10	3,8	148	55,8	39	14,7	42	15,8	74,3	59,6
	2018-2019	310	39	3	220	11	3,5	147	47,4	62	20,0	44	14,2	71,0	51,0**
5 курс	2017-2018	293	18	2	264	7	2,4	145	49,5	112	38,2	9	3,1	90,1	51,9
	2018-2019	264	29	3	217	4	1,5	161	61,0	52	19,7	16	6,1	82,2	62,5**
6 курс	2017-2018	272	7	4	231			107	39,3	124	45,6	30	11,0	84,9	39,3
	2018-2019	290	83	4	200	1	0,3	61	21,0	138	47,6	3	1,0	69,0*	21,4*
Факультет бўйича	2017-2018	1860	244	15	1309	17	0,9	603	32,4	686	36,9	295	15,9	70,2	33,3
	2018-2019	2231	908	43	994	16	0,7	448	20,1	530	23,8	283	12,7	44,6*	20,8*

Изоҳ:- \*-ўтган ўқув йилига нисбатан кўрсаткичлари кескин пасайган,  
\*\*- ўтган ўқув йилига нисбатан кўрсаткичлари кўтарилган

Юқори курсларда ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари пастки курсларга нисбатан юқори экани қайт этилди.

Давлаш факультетини бўйича кўрсаткичларини таҳлили шуни кўрсатадики, пастки курсларда ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари йилдан–йилга пасайиб бораётгани, юқори курсларда эса нисбатан пасайганлиги кузатилмоқда. Ушбу кўрсаткичларни сабабини таҳлил қилсак, талабаларда билим олишга мотивацияни камайиб кетганлиги кузатилди

**Тиббий педагогика факультети** жорий ўқув йилининг бахорги семестрида жами 568 нафар талаба тахсил олган. Жумладан 1 курсда талабалар сони ўтган ўқув йилига нисбатан қарийиб 2 баробар ошган. 2017-2018 ўқув йилида талабалар сони 73 нафар бўлган бўлса, бу йилда талабалар сони 150 нафарни ташкил этди. Уларни фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи қуйидагича бўлди: 2017-2018 ўқув йилида 1 кириш бўйича ўзлаштириш 100,0%, сифат кўрсаткичи эса 67,1% ташкил қилган бўлса, жорий йилида эса ўзлаштириш кўрсаткичи **38,7%**, сифат кўрсаткичи **13,3%** ташкил қилган. Сифат ва ўзлаштириш кўрсаткичлари кескин камайганлиги кузатилди. Ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган фанлардан тиббиёт касбига кириш, тиббиёт тарихи фанин таъкидлаш мумкин.

2 курс талабаларини 1 кириши натижалари бўйича ўтган ўқув йилида ўзлаштириш кўрсаткичи 72,4% сифат кўрсаткичи эса 31,6% бўлган бўлса, ушбу ўқув йилида эса ўзлаштириш кўрсаткичи **20,0%**, сифат кўрсаткичи эса **9,5%**ни ташкил қилган, ўтган ўқув йилига нисбатан кўрсаткичлар 4-5 баробарга пасайганини кузатиш мумкин. Ушбу курсда патологик анатомия (13,8%), патологик физиология (15,3%) ва фармакология (14,9%) фанларидан сифат кўрсаткичлари кескин паст бўлган.

3 курс талабаларини натижалари таҳлили қуйидагича бўлган: ўтган ўқув йилида ўзлаштириш кўрсаткичи 81,5%, сифат кўрсаткичи 25,9%, жорий йилда эса ўзлаштириш кўрсаткичи **18,6%**, сифат кўрсаткичи **4,3%** бўлди. Ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари ўтган ўқув йилига нисбатан кескин пасайганлигини кузатиш мумкин. Аксарият талабаларнинг қарздорлиги ички касалликлар пропедевтикаси, клиник анатомия ва патологик анатомия фанлари бўйича бўлиб, бу фанларнинг ўртача сифат кўрсаткичи 14,6% ни ташкил этди.

4 курс натижаларида деярли катта фарқлар аниқланмади: ўтган ўқув йилида ўзлаштириш кўрсаткичи 100,0%, сифат кўрсаткичи 80,0% бўлган бўлса, жорий ўқув йилида ўзлаштириш кўрсаткичи 91,3%, сифат кўрсаткичи эса 68,2 % бўлди, яъни ўзлаштириш кўрсаткичида катта фарқ йўқлиги, лекин сифат кўрсаткичи бир мунча пасайганлигини кўриш мумкин.

5-6 курс талабаларини кўрсаткичлари ўтган ўқув йилига нисбатан деярли ўзгармаганлигини кўрсатди.

Тиббий педагогика факультетини бўйича кўрсаткичларини таҳлили шуни кўрсатдики, паст курсларда кўрсаткичларни пасайганлигини кузатсак, катта курсларда эса ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари солиштирилганда ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан жорий йилдаги кўрсаткичлар деярли катта фарқ қилмади. Факультет бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичи 65,3% (92,7) ва сифат кўрсаткич 52,0% (66,6) бўлди.

**Тиббий профилактика факультетида** 2017-2018 ўқув йилида 366 нафар талаба таҳсил олган бўлса, 2018-2019 ўқув йилида 278 нафар талаба таҳсил олди, уларни ўзлаштириши қуйидагича бўлди; 2017-2018 ўқув йилида 1 кириш бўйича ўзлаштириш 45,9% сифат кўрсаткичи эса 12,9% ташкил қилган бўлса, 2018-2019 ўқув йилида эса ўзлаштириш 43,3 сифат **9,3%** ни ташкил қилган. Ўтган ўқув йилига қараганда ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари нисбатан камайганлиги кузатилди.

Тиббий биология йўналишида эса кўрсаткичлар ўтган йилги кўрсаткичларга нисбатан кескин тушиб кетганлигини кузатиш мумкин. Биринчи кириш бўйича умумий кўрсаткичлар қуйидагича бўлди: ўзлаштириш 69,8% (73,3% ўтган ўқув йили), сифат **22,0%** (24,8% ўтган ўқув йили).

### **Тиббий биология йўналиши 2018-2019 ва 2017-2018 ўқув йилидаги 1 кириш натижаларини солиштирама жадвали**

**Жадвал 2**

КУРС	ўқув йиллари	контингент	сессияга қуйилмаганлар	ЯН сабабсиз келмаган.	ЯН тоширганлар	абсолют, аълло	% аъло	абсолют, яхши	% яхши	абсолют, коникарли	% коникарли	абсолют, коникарсиз	% коникарсиз	ўзлаштириш %	сифат кўрсаткичи
1 курс	2018-19	59	11	1	38			9	15,3	10	16,9	9	15,3	64,4	15,3
	2017-18	51	8		36			12	23,5	12	23,5	7	13,7	70,6	23,5
2 курс	2018-19	50	11		36			14	28,0	6	12,0	3	6,0	70,0	28,0
	2017-18	50	12		38			13	26,0	4	8,0			94,0	26,0
3 курс	2018-19	50	9		37			12	24,0	2	4,0	4	8,0	74,0	24,0
Факультет бўйича	2018-19	159	31	1	111			35	22,0	18	11,3	16	10	69,8	22,0
	2017-18	101	20		74			25	24,8	16	15,8	7	6,9	73,3	24,8

Тиббий профилактика ва тиббий биология йўналишларини семестр натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, барча кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан пасайиб кетган, айниқса 1-2 курслар кўрсаткичлари кескин пасайган, катта курсларда эса кўрсаткичлар деярли ўзгармаганлиги аниқланди. Буларни

сабаби биринчи курсларга қабул қилинаётган талабаларни билим даражаси пастлигидир.

**Олий маълумотли ҳамшира факультетида** ўтган ва ушбу ўқув йилида таълим олган талабалар сони катта фарқ қилмаган 2018-2019 ўқув йилида 300 нафар талаба таҳсил олган, уларни ўзлаштириши куйидагича бўлди: 2018-2019 ўқув йилида 1 кириш бўйича ўзлаштириш 85,1% (75,4%), сифат кўрсаткичи эса 65,6% (52,5%) ташкил қилди. Ўтган ўқув йилига нисбатан ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари бир оз кўтарилганлигини кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, академия бўйича талабаларни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичларини пасайиб кетишига бир неча сабаблар мавжуд, яъни 1 курсга қабул қилинаётган талабаларни айниқса оширилган контракт-тўлов асосида қўшимча қабул қилинган ва бошқа ОТМлардан ўқиши кўчирилган талабаларнинг билим савияси пастлиги, уларни ўқишга кеч тушиши, талабаларда билим олиш иштиёқини пасайганлиги, талабаларни ўқиш масъулияти пасайиб кетишидир. Талабаларни билимини баҳолаш учун назорат турларини қайта кўриб чиқиш, ўқитувчилардан эса ўқитиш жараёнида илғор педагогик ва инновацион технологияларни қўллаш, талабаларда ўқишга бўлган иштиёқни ошириш, уларга дарс жараёнларида ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш, хорижий тажрибаларни жорий қилиш талаб этилади.

Боймурадов Ш.А.

e-mail: [shuh69@mail.ru](mailto:shuh69@mail.ru)

тел: +99890 374 1958